2024 YIL - YOSHLAR VA BIZNESNI QO‘LLAB-QUVVATLASH YILI

Qishloq hayoti

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2024-yil 14-noyabr, payshanba | № 45 (9313) | e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru | @Qishloqhayoti_gazetasi

“ШИМОЛИЙ ҲУДУДЛАР УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН АҚЛЛИ ИССИҚХОНАЛАРНИНГ ТЕХНИК ХУСУСИЯТЛАРИ” НОМЛИ КИТОБ ТАҚДИМОТИ ЎТКАЗИЛДИ

Корея Қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ва қишлоқ ҳудудларни ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ ҳудудларни ривожлантириш агентлиги (РДА) томонидан 2021-йилдан бошлаб “Шимолий смарт фарм пакети моделини ишлаб чиқиш” миллий тадқиқот лойиҳаси иш бошлади. Ушбу лойиҳада шимолий смарт иссиқхона моделини жорий этишда мақсадли 9 та давлат ҳудудлари танлаб олинган ҳамда ушбу ҳудудлар учун мос иссиқхона моделлари ишлаб чиқилган.



Мазкур моделларни ишлаб чиқишда Кореянинг Халқаро мева-сабзавотчилик институти томонидан 9 та давлатнинг 30 та ҳудудидаги қор қалинлиги ва максимал шамол тезлиги бўйича 36 йиллик метеорология маълумотлари батафсил таҳлил қилиниб, шу асосда 23 та модел танлаб олинган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, жорий йилнинг 29-октябрь санасида мазкур лойиҳа доирасида ишлаб чиқилган “Шимолий ҳудудлар учун мўлжалланган ақлли иссиқхоналарнинг техник хусусиятлари” номли китоб тақдимоти ўтказилди.

Видео-конференс-алоқа шаклида ўтган тақдимотда вазирлик марказий аппарати, тизим ташкилотлари ходимлари ҳамда Корея Халқаро ўсимликшунослик институти вакиллари иштирок этишди.

Ушбу лойиҳа доирасида жорий йил якунига қадар Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти ҳудудида 0,6 гектар майдонда кўргазмали гидропоника иссиқхонаси қурилишига ва Корея томонидан молиялаштиришга келишилди ҳамда институтда мазкур стандартларга мос 5 турдаги иссиқхоналар қурилади.

Шунингдек, Корея Қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ва қишлоқ ҳудудларни ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда амалга оширилаётган “Ўзбекистонда картошкачиликда кадрлар салоҳиятини ошириш ва илмий тадқиқотлар олиб бориш” лойиҳаси доирасида мазкур стандартлар асосида Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқотлар институтида 0,5 га майдонда 1 дона гидропоника иссиқхонаси ва 7 дона Нетҳоусе қурилади.

Тақдимот якунида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноатни ривожлантириш агентлиги ҳамда Корея Халқаро ўсимликшунослик институти ўртасида мазкур стандартлардан фойдаланиш бўйича битим имзоланди.



ГЛОБАЛ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ОҚИБАТЛАРИНИ БИРГАЛИКДА ЕНГИБ ЎТИШ БЎЙИЧА ҚАТОР ТАШАББУСЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 ноябрь куни Боку шаҳрида ўтаётган БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳадли конвенцияси Томонлари конференциясининг 29-сессияси (COP29) доирасидаги Жаҳон етакчилари саммитининг ялпи мажлисида нутқ сўзлади.

Тадбирда дунёнинг 80 дан ортиқ мамлакатидан давлат ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар ва молия институтлари раҳбарлари иштирок этмоқда.

Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевни ушбу тарихий саммитни муваффақиятли ташкил этгани билан самимий табриклаб, Озарбайжоннинг бугунги иқлим таҳдидларига қарши курашиш мақсадида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш бўйича фаол саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлади.

Президентимиз таъкидлаганидек, иқлим ўзгаришлари бугунги кунда асосий глобал таҳдидга айланиб, геосиёсий кескинликнинг кучайишига бевосита таъсир кўрсатмоқда.

Камбағалликка қарши кураш, озиқ-овқат ва энергетик хавфсизликни таъминлаш, ичимлик суви ва ресурсларидан фойдаланиш муаммолари кучайиб бормоқда.

Иқлим ўзгаришларининг оқибатини Марказий Осиё ўткир ҳис қилмоқда.

Улар аҳолининг турмуш сифатини ошириш ва миллий тараққиёт стратегияларини рўёбга чиқариш йўлида тўсиққа айланмоқда.

Париж келишувлари доирасида асосий мақсад – минтақада ҳаво ҳароратини жадал ўсишига йўл қўймаслик, ушбу кўрсаткичларни жорий юз йилликда 1,5-2 градус атрофида сақлаб қолишдан иборат.

Бу борада Ўзбекистонда углерод нейтраллигига эришиш бўйича кенг миқёсдаги ислоҳотлар олиб борилмоқда. 2030 йилгача ҳавога иссиқхона гази чиқаришни учдан бир қисмга камайтириш режалаштирилган. Бу мажбуриятлар 2050 йилга қадар янада кенгайтирилади. “Яшил” энергетика улуши 40 фоизга етади.

Электромобиллар ва «яшил» водород ишлаб чиқариш кластерлари барпо этилмоқда, қуёш ва шамол генерацияси хаблари яратилмоқда. «Яшил макон» дастури доирасида кўкаламзор ҳудудлар кенгайтирилмоқда.

Қўшни мамлакатлар билан биргаликда Минтақавий иқлим стратегияси амалга оширилмоқда. Шу кунларда Европага «яшил» энергия етказиб беришни ташкил этиш тўғрисида кўп томонлама битим имзоланади.

Глобал иқлим ўзгаришлари оқибатларини биргаликда енгиб ўтиш мақсадида Ўзбекистон етакчиси қатор ташаббусларни илгари сурди.

Жумладан, ривожланаётган мамлакатлар дуч келаётган иқлим хатарларини танқидий таҳлил ва молиявий баҳолаш учун етакчи давлатлар, кўп томонлама институтлар ва конвенцияларнинг техник ҳамда молиявий кўмагини кенгайтириш мақсадида Иқлим туфайли йўқотиш ва зарарларни баҳолаш бўйича халқаро марказ таъсис этиш таклиф қилинди.

Атроф-муҳит ифлосланиши билан боғлиқ хатарларни қисқартириш, барқарор биохилма-хиллик ва трансчегаравий сув ресурслари масалаларида ягона ёндашувлар ишлаб чиқиш зарурлигини қайд этиб, давлатимиз раҳбари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Даре экотизимларининг бутунлиги ва экологик хавфсизлигини таъминлаш соҳасида мажбуриятлар тўғрисидаги Декларацияни ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сурди.

Шунингдек, Ўзбекистонда ўсимликларнинг иқлимга чидамлилигини ошириш учун Генетик ресурсларнинг минтақавий банкини ҳамда денгизга чиқиш йўлига эга бўлмаган мамлакатлар учун БМТнинг инновацион агросаноат хабини ташкил этиш таклиф қилинди.

Иқлим ўзгаришларидан зарар кўраётган мегаполис ва шаҳарларнинг барқарор ривожланиши, яшаш учун қулай шароитлар яратиш соҳасида тажриба ва билим, энг яхши амалиётлар трансфери учун Жаҳон иқлим пойтахтлари альянсини ташкил этиш ҳамда унинг биринчи форумини Тошкентда ўтказиш ташаббуси билдирилди.

Президентимиз COP29 мамлакатлари вакилларини келгуси йили 15 майда – Халқаро иқлим кунида Оролбўйида ўтказиладиган Рақамли “яшил” ташаббуслар глобал фестивалида иштирок этишга таклиф этди.

Сўзининг якунида Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон умумий фаровонлик ва узоқ муддатли “яшил” тараққиёт йўлида очиқ мулоқот ва амалий шерикликка доим тайёр эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Озарбайжон Республикасига амалий ташрифи давом этмоқда.

ЎзА

ОЛИМЛАР ЯНГИ ПАХТА ТЕРИШ АППАРАТИНИ ИШЛАБ ЧИҚДИЛАР

Ҳозирги вақтда пахта терими кўплаб фермер хўжаликларида ғўза дефоляция қилинган ва кўк япроқлари камида 70-80 фоиз туширилган ерларда, ғўза кўсаклари 80-90 фоиз очилганда ўтказилаётганига гувоҳ бўламиз.

Кўп йиллардан бери фермер хўжаликлари ва пахтачилик кластерларида етиштирилган ва дефоляция қилинган далаларда пахта ҳосилини териб олиш учун АҚШ ва Хитойда ишлаб чиқарилаётган, юқори унумли ва самарали, горизонтал шпинделли пахта териш машиналаридан (ГШМ) кенг фойдаланилмоқда. Бу машиналар, асосан, ғўза кўсаклари 80-90 фоиз ва ундан кўп даражада очилганда йиғим-терим ишларига жалб қилинмоқда. Пахта хомашёси ушбу машиналарда териб олинганда терим тўлиқлиги кўрсаткичлари 90-95 фоизгача етади.

Ўзбекистонда пахта терими бошланиш даврида ғўза кўсакларининг 80-90 фоизгача очилиши ҳар доим ҳам таъминламайди. Ачинарлиси шуки, ғўза кўсаклари 50-60 фоиз (терим бошида) ёки 60-70 фоиз (терим охирида) очилганда ва етиштирилган пахта ҳосили 25-30 ц/га.га ва ундан паст бўлган ҳолларда ҳам пахта ҳосили ГШМда териб олинмоқда ва бу иқтисодий жиҳатдан фойдасиз эканлигини таҳлиллар кўрсатди. Чунки, бундай ҳолатларда терим харажатлари кўп даражада ошади ва териб олинаётган пахта толаси сифати пасаяди, бундан кластерлар ва фермер хўжаликлари зиён кўради.

(Давоми 3-саҳифада)



ХОРИЖИЙ ДЕЛЕГАЦИЯЛАР РАҲБАРЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 ноябрь куни Боку шаҳрида ўтаётган БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича (COP29) конференцияси доирасида Европа кенгаши раиси Шарль Мишель, Финляндия Президенти Александр Стубб, Черногория Президенти Яков Милатович, Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо, Ислом тараққиёт банки президенти Муҳаммад бин Сулаймон ал-Жассир, Яшил иқлим фонди ижрочи директори Мафальда Дуэрте, Ислом дунёси таълим, фан ва маданият ташкилоти (ICESCO) бош директори Салим ал-Малик, Глобал ўзгаришлар институти раиси Тони Блэрни қабул қилди.

Европа кенгаши раиси Шарль Мишель билан учрашувда мамлакатимизнинг Европа Иттифоқи билан кўп қиррали ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги янги битимни тез фурсатда қабул қилиш, шунингдек, “Марказий Осиё – Европа Иттифоқи” форматидаги биринчи саммитга тайёргарлик кўришга алоҳида эътибор қаратилди.

Финляндия Президенти Александр Стубб билан учрашувда кўп қиррали Ўзбекистон – Финляндия ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди. Фаол сиёсий ва парламентлараро алоқалар мамнуният билан қайд этилди.

Янги иқтисодий кун тартибини шакллантириш учун металлургия, электротехника, кимё, телекоммуникация ва бошқа соҳаларда саноат кооперациясини ривожлантириш дастурини тайёрлаш таклиф этилди.

Шу маънода, 2025 йил январь ойида Хельсинки шаҳрида бўлиб ўтадиган Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилиши ва бизнес форумига пухта тайёргарлик кўриш муҳимлиги таъкидланди.

Таълим ва экология соҳасидаги алмашинувларни мустаҳкамлаш, шу жумладан, БМТнинг Оролбўйи учун Траст жамғармаси фаолиятида Финляндиянинг фаол иштирок этиши истиқболларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бўлажак олий даражадаги учрашувлар режаси кўриб чиқилди.

Черногория Президенти Яков Милатович билан учрашувда сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва туризм соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди.

Иқтисодий кун тартибини ишлаб чиқиш учун Ҳукуматлараро комиссия тузиш ва унинг биринчи йиғилишини келгуси йилда Тошкент шаҳрида бизнес форуми билан биргаликда ўтказиш таклиф этилди.

Бундан ташқари, савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва инвестицияларни ҳимоя қилиш бўйича асосий битимлар тайёрланади, устувор йўналишларда саноат кооперациясини ривожлантиришга доир "йўл харитаси" ишлаб чиқилади.

Бўлажак олий даражадаги учрашувлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо билан учрашувда ушбу нуфузли халқаро молия институти билан кенг қамровли ҳамкорликни кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари кўриб чиқилди.

Банкнинг мамлакатимизга инвестициялари 5 миллиард евродан ошгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди. Ушбу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон банкнинг минтақамиздаги энг йирик ҳамкори ҳисобланади.

ЕТТБнинг фаол иштирокида банк секторини хусусийлаштириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда, инвестициялар ва ер қаъридан фойдаланиш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий база такомиллаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни тайёрлаш сифати ва самарадорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Ўзбекистон ва ЕТТБ ўртасидаги ҳамкорлик стратегиясини амалга ошириш ва уни янада бойитиш муҳимлиги таъкидланди. Энергетика самарадорлиги, кичик ва ўрта бизнес, аёллар ва ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий соҳа ва инфратузилмада давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этиш, шунингдек, "яшил" шаҳарларни ривожлантириш соҳаларида янги лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш ҳамкорликнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланди.

Келгуси йилда Хорижий инвесторлар кенгашининг навбатдаги йиғилишини тайёрлаш ва ўтказиш юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ислом тараққиёт банки президенти Муҳаммад бин Сулаймон ал-Жассир билан учрашувда ушбу етакчи халқаро молиявий институт билан ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

(Давоми 2-саҳифада)

Коррупция маълум бир соҳага эмас, балки бутун жамият тараққиётининг инқирозига олиб келади

ХОРИЖИЙ ДЕЛЕГАЦИЯЛАР РАҲБАРЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВЛАР

(Боши 1-саҳифада)

Давлатимиз раҳбари Ислом тараққиёт банки билан шериклик жадал ривожланиб бораётганини юқори баҳолади. Жорий йилнинг март ойида Тошкентда ислом дунёсининг етакчи молия институтлари иштирокида банк раҳбарлигидаги Араб мувофиқлаштириш гуруҳининг йиғилиши муваффақиятли ўтказилди.

ИТБ билан лойиҳалар портфели 4 миллиард доллардан ошди, уларнинг 40 фоизи хусусий секторга тўғри келмоқда.

Банк иштирокида ташкил этилган Ўзбекистоннинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш бўйича қўшма жамғарма капитали изчил шакллантирилмоқда.

Таълим, соғлиқни сақлаш, инфратузилма, тадбиркорлик, экология соҳаларида янги лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш бўйича ҳамкорликни кенгайтириш, хусусий инвестицияларни сафарбар этиш, банк тузилмаларини лойиҳа ишларига фаол жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатимиз саноати ва тоғ-кон тармоғидаги йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда ИТБнинг иштироки юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Яшил иқлим фонди ижрочи директори Мафальда Дуэрте билан учрашувда иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг оқибатларини юмшатишга қаратилган қўшма лойиҳа ҳамда дастурларни амалга ошириш бўйича ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Жамғарма томонидан Ўзбекистоннинг тегишли ташкилотлари салоҳиятини ривожлантириш ва миллий мослашув режаларини ишлаб чиқишга кўмак кўрсатилаётгани юқори баҳоланди.

Ҳозирги кунда қўшма лойиҳалар портфели 160 миллион долларни ташкил этиб, сув ресурсларини бошқариш, "яшил" энергетикани ривожлантириш, "яшил" молиялаштириш ва бошқа бир қатор устувор йўналишларни қамраб олган. Бундан ташқари, 5 миллиард долларлик иккита минтақавий ва 500 миллион долларлик учта миллий лойиҳа ишлаб чиқилмоқда.

Инновацион кўкаламзорлаштириш ва ерларни барқарор бошқариш, Оролбўйидаги ижтимоий-экологик вазиятни яхшилаш дастурларини амалга ошириш орқали шерикликни янада кенгайтиришга келишиб олинди.

Ислом дунёси таълим, фан ва маданият ташкилоти (ICESCO) бош директори Салим ал-Малик билан учрашувда амалий ҳамкорликни кенгайтириш ва қўшма гуманитар лойиҳаларни илгари суриш масалалари кўриб чиқилди.

ICESCO билан ҳамкорлик бўйича миллий комиссияни тезроқ тузиш муҳимлиги қайд этилди.

Глобал ўзгаришлар институти раиси Тони Блэр билан учрашувда Ўзбекистон – Британия муносабатларини янада ривожлантириш истиқболлари, шунингдек, Глобал ўзгаришлар институти билан амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди.

Буюк Британиянинг собиқ бош вазири Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ва ортга қайтмас ислоҳотлар дастурини юксак баҳолаб, уларни амалга оширишда эксперт-маслаҳат кўмагини таклиф этишга тайёрлигини билдирди.

Институт билан биргаликда транспорт йўлакларини ривожлантириш, янги бозорларга чиқиш, халқаро тўлов тизимларини жорий этиш, инвестиция сиёсати самарадорлигини ошириш ва бошқа соҳалар ҳамкорликнинг устувор йўналишлари сифатида қайд этилди.

Шерикликнинг аниқ йўналишларини белгилаб олиш учун тегишли идоралар экспертлари даражасида қўшимча учрашувлар ўтказишга келишиб олинди.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИ АБДУРАХМОНОВ ИБРОҲИМ ЮЛЧИЕВИЧНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА МУРОЖААТИ



Муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг ташаббуслари билан мамлакатимизда коррупциянинг олдини олишга, унга қарши курашишга, давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида коррупция омилларга чек қўйишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Буни сўнгги йилларда коррупцияга қарши курашиш соҳасига оид қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат дастурлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Давлат раҳбарининг коррупцияга қарши курашга доир ташаббусларини қўллаб-қувватлаган ҳолда, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимида ҳам коррупцияга қарши курашиш билан боғлиқ фаолиятни такомиллаштириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, бу иллатнинг олдини олиш ва профилактика қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, вазирлик тизимида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши муросасиз курашишнинг илғор халқаро стандартларга асосланган тизимини жорий этиш бўйича изчил чоралар кўрилиши натижасида, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 2021-йилда коррупцияга қарши курашиш бўйича ИСО 37001:2016 халқаро стандарти сертификатига эга бўлди.

Ушбу халқаро стандарт талабларига мувофиқ Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, ҳудудий бошқармалар, тизим ташкилотлари ва муассасаларида коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқарув тизими жорий этилди. Хусусан, халқаро стандарт талабларидан келиб чиққан ҳолда, вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш, уни келтириб чиқараётган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш борасида тизимли чоралар кўрилмоқда. Жумладан, халқаро стандарт талаблари бўйича вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича 10 дан ортиқ ички идоравий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, вазирлик тизимида амалиётга жорий этилди.

Шу билан бирга, вазирлик тизими фаолиятида коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга барҳам беришга қаратилган вазифалар ва йўналишлар белгилаб олиниб, коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш, шунингдек, уларни камайтириш бўйича тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Бундан ташқари, вазирлик тизимида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, коррупциянинг олдини олишга доир тарғибот тадбирлари, вазирлик тизимида фаолият юритаётган ходимларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш бўйича ўқув семинарлари, тренинглар, брифинглар ва давра суҳбатлари ташкил этиб борилмоқда.

Шу ўринда, вазирлик тизимида фаолият юритаётган барча ходимларга шуни алоҳида таъкидлаган бўлар эдим-ки, коррупцияга мутлақо тоқатсизлик тамойилига таянган ҳолда коррупция билан боғлиқ ҳар қандай хатти-ҳаракатларда иштирок этманг, бошқа шахсларнинг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилманг, пора олиш ёки ғайриқонуний бошқа мақсадларда ўз хизмат мавқейингиздан ноқонуний фойдаланманг.

Сизлар, меҳнат фаолиятингиздаги юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда ҳалол, адолатли ва мустақил хулқ-атвор намунаси бўлишингиз, ўз мансаб мажбуриятингизни бажаришингиз доирасида, коррупциянинг барча шакллари ва кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантирган ҳолда коррупцияга қарши курашиш бўйича қонунчилик нормалари ва қабул қилинган ички ҳужжатларга риоя қилишингиз лозим.

Биз шуни унутмаслигимиз керакки, коррупция маълум бир соҳага эмас, балки бутун жамият тараққиётининг инқирозига олиб келади. Ҳозирда коррупцияга қарши курашиш мақсадларига фақат ташкилий-ҳуқуқий воситалар билан эришиб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Ўйлайманки, жамият кушандаси бўлган ушбу иллатга қарши курашда нафақат давлат ташкилотлари, балки, жамият ва умуман барча фуқароларимиз масъулдир. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз лозим. Шундай экан, давлат ва жамоат ташкилотлари бу иллатни олдини олиши ва унга қарши курашишда ҳамжиҳат бўлиши самарали натижаларга эришишнинг энг мақбул йўли бўлиб ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимида фаолият юритаётган ходимларнинг қонунчиликка зид хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизликларининг гувоҳи бўлсангиз ёки ходимларнинг коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига алоқадорлиги юзасидан маълумотларга эга бўлсангиз, вазирликнинг қуйида келтирилган алоқа каналлари орқали ўз мурожаатларингизни қолдиришингиз мумкин.

Ишонч телефони: 1243.
Телеграм бот: @uzagroanticorruptionbot
Расмий веб саҳифа: Agro.uz
Электрон почта манзили: info@agro.uz

Йўлланган мурожаатлар қонунчиликда белгиланган тартиб ва муддатларда кўриб чиқилади ҳамда тасдиқланган коррупцион ҳолатлар бўйича кескин қонуний чоралар кўрилади.



ФАҚАТГИНА БИРГА КОРРУПЦИЯНИ ТЎХТАТА ОЛАМИЗ!

Қишлоқ хўжалиги соҳаси ходимларининг қонунчиликка зид хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизликларининг гувоҳи бўлсангиз ёки ходимларнинг коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига алоқадорлиги юзасидан маълумотларга эга бўлсангиз, вазирликнинг қуйида келтирилган алоқа каналлари орқали ўз мурожаатларингизни қолдиришингиз тавсия этилади.

1. Ишонч телефони: **1243.**
2. Телеграм бот: **@uzagroanticorruptionbot**
3. Расмий веб саҳифа: **Agro.uz**
4. Электрон почта манзили: **info@agro.uz**
5. Масъул ходимлар: **95-018-22-42, 94-369-29-58.**

Йўлланган мурожаатлар ва хабарлар қонунчиликка асосан кўриб чиқилади.

С.ХАЛИЛОВ,
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими бошлиғи.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАЛАРИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Маълумки, жорий йилнинг 26 сентябрида Президентимизнинг "Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларида очиқликни таъминлаш ҳамда бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони қабул қилинди.

Унга кўра, 2026 йил 1 январдан ҳудудларда чиқиндилар билан ишлаш даражасини ошириш ҳамда бу борада очиқликни таъминлаш, жамоатчилик ролини ошириш, тадбиркорлар ва аҳоли ўртасида қайта алоқани тўлиқ йўлга қўйишни назарда тутувчи қатор ишлар амалга оширилади. Чиқиндилар билан боғлиқ хизматларни тадбиркорларга бериш юзасидан ўтказиладиган тендер жараёнини онлайн кузатиш имкониятини яратиш, санитар тозалаш корхоналари томонидан чиқинди тўплаш шохобчаларига видеокузатув камераларини ўрнатиш ва шохобчалар фаолиятини аҳоли томонидан кузатиш имкониятини яратиш, чиқиндиларни ташиш билан шуғулланувчи барча махсус техникаларга онлайн кузатув (GPS) тизимини ўрнатиш, санитар тозалаш корхоналари тўғрисида тўлиқ маълумот бериш, кўрсатилаётган хизматлар сифати ва кўлами бўйича шикоятларни қабул қилиш ҳамда санитар тозалаш корхоналари билан қайта алоқа қилиш учун "Call марказ" фаолиятини йўлга қўйиш, санитар тозалаш корхоналари хизмат кўрсатувчи ҳудудларнинг географик чегараси ҳамда аҳоли ва юридик шахсларга бириктирилган чиқиндиларни йиғиш майдончалари (контейнер) жойлашуви тўғрисида аниқ маълумотлар бериш, абонентларнинг ҳосил бўлган чиқиндиларини олиб чиқиб кетиш графигини кўрсатиш кабилар шулар жумласидандир.

Д.ХОЛИЁРОВА,
Бойсун туман ФҲДЁ бўлими 1-тоифали инспектори.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Орамиздаги одамлар



ЯЙЛОВ БАҲОДИРЛАРИ

ёхуд чўпонлар сулоласи

Чўпонлик касби ҳақида тўхталар эканмиз, Каттақўрғон туманининг жизмонсойилик Инатилла Мадаловнинг номини фахр билан тилга оламиз.

Инатилла Мадалов чорвачилик соҳасини, хусусан, чўпонлик касбини жон-дилидан севадиганлардан. Отахон гарчи бугун етмиш ёшни қоралаган бўлса-да, ҳали ҳам бақувват ва бир сурув қўйни кенг яйловларда иштиёқ билан боқиб юрибди. Чўпонлик касби Инатилла бобога отамерос. Раҳматли отаси Мадал бобо Ойдинов машҳур бош чўпон бўлиб ўтган. Ютуқларга эришиб, ҳукуматнинг мукофотларига сазовор бўлган. Ўғли Инатилла ҳам ёшлигидан отасига кўмаклашиб улғайди ва ота касбини улуғлаб, чўпонлик таёғини қўлига олди. Мана, роппа-роса эллик йил бўлибдики, ҳамон қўй боқади. Инатилла бобо чўпонлик касби билан элда эътибор топди. Одамлар у кишини "Ферма бобо", дея эъзозлайдилар.

Биз Инатилла бобони йўқлаб борганимизда, яйловда қўй боқиб юрганлигини айтишди. Яйлов томон йўл олик ва отахонни топиб, суҳбатга тортдик. Отахон қўй боқиб, завқ олишини айтди ва чўпонликнинг ўзига яраша қийинчиликлари ҳақида гапирди: ҳар битта қўйга эътибор қаратиш, соғлигини ўйлаш, вақтида керакли дорилар билан эмлаб туриш керак. Чорванинг ўзи бўлмайди, қўй қилиш учун қўйнинг туёғидай чидамли бўлиш зарур. Қишлик озуқани ўз вақтида жамғариш, қишдан соғ-омон олиб чиқишнинг барча чораларини кўриш керак. Йил серёғин келиб, бу йил хашак мўл бўлди. Худо хоҳласа, далани қор қоплагунга қадар қўйларимиз яйловдан озиқланади.

Инатилла бобонинг қўйлари қўзилашни бошлабди: ўнта қўйимиз қўзилади. Насиб бўлса, бу йил яхши даромад оламиз. Чорва туфайли рўзғоримиз тўкин, устимиз бут. Набираларни ўқитаяпмиз, дея фахр ва шукроналик ҳисси билан сўзлай кетди отахон. Инатилла бобонинг ўғли Жамолиддин ҳам ота изидан бормоқда. У ҳам чўпонлик касбига меҳр қўйган. Асосий ишларни Жамолиддин амалга оширмоқда. Мадаловлар оиласини "Чўпонлар сулоласи" деб таърифласак, мақсадга мувофиқдир. Инатилла бобонинг укаси Ғуломжон Мадалов ҳам катта чўпон. Унинг ҳам олдида бир сурув қўй бор. Биз кенг адирларни кезиб, Ғуломжонни ҳам учратдик. Ғуломжон қўйларни Лочин номли кажавали мотоциклда бошқариб юрибди. У билан бўлган суҳбатимиз ҳам мароқли бўлди.



"Чўпонлик касбининг сирларини Инатилла акамдан ўрганганман. Қўй боқиш маза. Ўзимнинг юздан ортиқ қўйим бор. Ундан ташқари, аҳолининг қўйларини ҳам қўшиб олганман. Бу ҳам элга қилинадиган бир манфаат-да. Бундан ташқари, кам таъминланган оилаларга баҳоли қудрат ҳомийлик қилиб турамиз, бозорга гўшт чиқарамиз. Чўпонлик барака. Ўтган йилги даромадимдан мана бу "ЛЕФАН"ни олдим".

– Ғуломжон, "ЛЕФАН" миниб, қўй боқиб юрибсиз, бунинг бирор қулайлиги борми?

– Албатта! Эшак ёки отга нисбатан бу жуда қулай. Айтайлик, қўй яйловда туғиб қолиши ёки касал бўлиб қолиши мумкин. Ана шундай ҳолларда қийналмайсиз-да. Тағин, бозорга қўй олиб чиқишимиз мумкин.

Ҳақиқатан ҳам, яйловнинг кенглиги ва адирларнинг бўй-басти мотоциклнинг юришига қийинчилик туғдирмайди ва чўпон учун ҳам қулай восита экан. Биз яйловдан қайтар эканмиз, чўпонлик касбининг ўзига хос завқи ва шу билан бирга, машаққатли томонлари борлигини дилдан ҳис қилдик. Орамизда Инатилла бободек, Ғуломжондек яйлов баҳодирлари борлигидан қувондик.

Ҳасан АЛМАТ

Эълон

"NEW ZOMIN PLAZA" МЧЖ

ўз асосий воситаларини ва жамият устав фондидаги таъсисчилар улушларини боҳолаш мақсадида баҳоловчи ташкилотни танлаб олиш учун танлов эълон қилади.

Танловда иштирок этиш истагида бўлган баҳолаш ташкилотлари белгиланган тартибда ҳужжатларни тақдим этишлари талаб этилади. Танлов шартлари ва қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Абай кўчаси, 10А уй.

Мурожаат учун тел.: +99891 303-66-53
Ҳужжат топширишнинг сўнгги муддати: 19.11.2024 йил.

ОЛИМЛАР ЯНГИ ПАХТА ТЕРИШ АППАРАТИНИ ИШЛАБ ЧИҚДИЛАР



МХ-1,8 русумли пахта териш машинаси

(Боши 1-саҳифада)

Жорий йилда биз томондан пахта теримида қатнашаётган ГШМ ишларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, ғўза бўйи 35-45 см., ҳосили 25-30 ц/га (айрим ҳолларда ундан ҳам паст) ҳамда ғўза кўсакларининг очилиши 50-70 фоизгача бўлган далаларда етиштирилган пахта ҳосили ГШМ билан йиғиб олинганда терим сарф-харажатлари қопланмаслиги сабабли улар ушбу машинада ҳосилни териб олишдан манфаатдор бўлмайди. Шу сабабли бундай шароит ва ҳолатларда ҳосил қўлда териб олинади. Айрим жойларда эса 2010-2016 йилларда Тошкент трактор заводида ишлаб чиқарилган МХ-1,8 русумли вертикал-шпинделли пахта териш машиналаридан фойдаланилмоқда ва бунинг натижалари ижобий баҳоланмоқда.

Масалан, республикамиз қишлоқ хўжалиги вазири раҳбарлигидаги ишчи гуруҳ Навоий вилояти фермер хўжаликларида пахта теримини ўрганиши натижасида улар далаларда пахта терими ва терилган пахта сифати яхшиланганлигини ва пахта ҳосилини йиғиб-териб олишда харажатлар пасайишининг гувоҳи бўлдилар. Натижада кейинги йилларда ушбу русумли пахта териш машинасининг теримда қатнашишини кўпайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

МХ-1,8 русумли пахта териш машинасини кўсаклари 80-90 фоиз очилган ва пахта ҳосили 30-40 ц/га ва ундан юқори бўлган далалардаги технологик иш жараёнлари ва дала шароитларидаги агротехник кўрсаткичлари таҳлил қилинди. Бунда терим тўлиқлиги 80-85 фоиздан ошмаётгани, ерга тўкилаётган пахта миқдори 5-10 фоиз ва ундан кўплиги, бункерга тушган пахта ифлослиги эса 10-12 фоизгача етаётганининг гувоҳи бўлдик. Бу эса фермерни қаноатлантирмайди, чунки ғўза тубида қолган ва ерга тўкилган пахта қолдиқларини териб олиш иқтисодий жиҳатдан мақбул бўлмайди. Бу ҳолат МХ-1,8 русумли вертикал-шпинделли пахта териш машинасидан юқори ҳосилли, кўсаклари 80-90 фоиз ва ундан ортиқ даражада очилган далаларда фойдаланилганда унинг самарадорлигини пасайтириб юборади. Шу сабабли фермерлар МХ-1,8 русумли машинадан фақат



айрим ҳолларда ёки иложсизликдан фойдаландилар. Ушбу камчиликни бартараф этиш мақсадида академик С. Турабжонов раҳбарлик қилаётган Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Механика муҳандислиги "Ер усти транспорт тизимлари" кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан ғўза кўсаклари 80-90 фоиз ва ундан ҳам кўпроқ даражада очилган ва ҳосили 30-40 фоиз бўлган фермер хўжаликлари далаларида етиштирилган пахта ҳосилини териб олиш учун ғўза очилган кўсакларига уч марта (карра) ишлов берадиган (бир қаторда олтита барабан), терим тўлиқлигини 93-95 фоизга таъминлайдиган, ерга тўкилаган пахта қолдиқларини 3 фоиздан ва бункерга терилган пахта ифлосланишини 8 фоиздан (давлат стандарти бўйича) оширмайдиган, ватанимизда ишлаб чиқарилаётган МХ-1,8 русумли вертикал-шпинделли машинага ўрнатишга мўлжалланган пахта териш аппаратини ишлаб чиқдилар. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги қошидаги Интеллектуал мулк марказида ушбу териш аппарати учун фойдали моделга патент берилди. (Хажиев М.Х.. Каримов В.У. Пахта териш аппарати.UZ FAR 02366/Тошкент давлат техника университети/Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги.Бюл.№12.29.12.2023.). Ушбу териш аппарати ўрнатилган МХ-1,8 русумли ВШ ПТМни саноат асосида ишлаб чиқаришга тайёрлаш ва пахта йиғим теримида кенг миқиёсда қўллаш фермер хўжаликлари ва иқтисодиётни яхшилаш имконини беради. Қиммат ва фойдаланиш харажатлари жуда юқори бўлган ГШМ импортини қисқартиш имкониятини беради. Республикамиз саноат корхоналарида янги иш ўринлари яратилади. Энг асосийси, ватанимиз тўқимачилик саноати сифатли ва арзон пахта толаси билан таъминланади.

ТошДТУ проф.ўқитувчилари:
М.Х.ХАЖИЕВ -т.ф.н., доц.,
Н.Н.ОМОНОВ - т.ф.ф.д., доц.,
М.Н.АТАДЖАНОВА.-доц.в.б.,
А.А.АКРОМЖОНОВ - магистрант.




МХ-1,8 русумли пахта териш машинаси теримда

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

ИЛМЛИ ИНСОН ЖАҲОЛАТДАН ЙИРОҚ БЎЛАДИ

Илм инсон ҳаётидаги энг қимматли бойликлардандир. Илм инсоннинг жамиятдаги ўрнини белгилайди, унинг келажакдаги муваффақиятига асос бўлади.



Илм олиш инсонни комиллик сари етаклайди ва уни маънан бой қилади. Илмли инсон жаҳолатдан йироқ бўлади. Билимли инсон жамиятда ҳурмат ва эътиборга эга бўлади. Оламда илмга эга бўлган инсонларга ҳамиша ихлос билан қаралган ва уларни жамиятдаги камолга етган шахслар сифатида баҳолашган. Илм инсонга ўзини таниш, билиш ва жамиятда ўз ўрнини топишда ёрдам беради. Мол-дунё, бойликлар бир кун келиб йўқ бўлиши мумкин, аммо илм инсонда доимо сақланиб қолади. Инсон илми ёрдамида муаммоларни ҳал қила олади, ўзи ва атрофидагиларга манфаат келтиради. Шу сабабли ҳам илмни инсоннинг энг буюк бойлиги, дейиш мумкин. Илм инсонни мукаммалликка олиб боради. Инсон қанча кўп билимга эга бўлса, унинг тафаккур доираси кенгаяди, ахлоқи юксалади ва жамиятга манфаатли инсон бўлади. Илмли инсон барча масалаларга фикр билан ёндашади ва оқилликни қўллайди. Илм олиш осон иш эмас ва у вақт ҳамда сабр талаб қилади. Илм талабида бўлган инсон ўзининг барча имкониятларини ишга солиб, тинимсиз изланиши лозим. Илм олишдаги сабр ва интизом инсонни нафақат билимли, балки мустаҳкам иродали ва ўзига ишончли қилиб тарбиялайди. Шунингдек, илмдаги муваффақиятга эришиш учун шижоат ва матонат ҳам зарурдир.

Фақат назарий билим эмас, балки унинг амалий қўлланиши ҳам муҳим. Илм амалга оширилгандагина инсонга ва жамиятга ҳақиқий фойда келтиради. Илмли инсон ўз билимларини инсонлар манфаатига ишлатиши, уларни яхшиликка йўналтириши жуда муҳим. Шу боис, илм нафақат билиб олиш, балки уни ҳаётда қўллашни ҳам ўз ичига олади.

Илм инсон ҳаётидаги энг муҳим ва зарурий омиллардан биридир. Илм инсонга ҳақиқий бахт, юксалиш ва камолот беради. Уни олишдаги шижоат ва сабр инсонни фақат яхши натижаларга олиб келади. Илм инсон ҳаётида нур ва маънавият манбаи бўлиб, уни жаҳолатдан қутқарувчи буюк неъматдир. Илмни қадрлаш, уни ўзлаштириш ва ҳаётда қўллаш ҳар бир инсон учун буюк фазилат саналади.

Расулжон АЛИХОНОВ,
Норин туманидаги Козоковул масжиди имом хатиби.

Қасамёдга содиқларимиз,

САЛОМАТЛИК ПОСБОНЛАРИМИЗ

Эътироф этишимиз жоизки, мамлакатимизда бошқа соҳалар қатори аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, юқумли касалликларнинг олдини олиш, профилактик тиббиётни янада такомиллаштириш масалаларига давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда. Бунга жавобан Наманган вилояти санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси ва унинг шаҳар, туман бўлимлари жамоалари ҳам тиббий хизмат маданиятини юксалтириш йўлида сидқидилдан фаолият юритиб, профилактик тадбирларни тизимли амалга ошириб келмоқда.



Махаматсоли ТОРАБЕКОВ,
Наманган вилояти санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси бошлиғи.

Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва хотиржамлигини таъминлаш мақсадида вилоятда 303 нафар шифокор, 610 нафар ўрта-махсус маълумотли тиббиёт ходими фаолият кўрсатмоқда. Охирги уч йил давомида Тошкент врачлар малакасини ошириш институти билан ҳамкорликда 14 марта эпидемиология, санитария-гигиена, умумий гигиена, ўта хавфли юқумли касалликлар, санитария-бактериология, паразитология ва вирусология лабораториялари йўналишларида масофавий цикллар ташкил қилинди, 182 нафар шифокорнинг малака ошириши таъминланди. Шунингдек, ўрта тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш маркази билан ҳамкорликда 479 нафар ўрта тиббиёт ходими ва лаборантлар малака ошириш курсларидан тайёргарликдан ўтди. Ҳозирда вилоятимизда жами 15 та санитария-эпидемиология муассасалари фаолият олиб бормоқда. Барча муассасалар лойиҳа асосидаги биноларда жойлашган. 2020 йилда Наманган шаҳри таркибида Давлатобод, 2021 йилда Янги Наманган туманлари ташкил этилди. Давлатобод тумани бўлимига Инвестиция дастури асосида 6,1 млрд. сўм маблағ ҳисобига янги замонавий бино барпо этилиб, барча қулайликларга эга бу муассаса мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, ташкил этилган Янги Наманган тумани бўлими учун 0,5 гектар ер майдони ажратилиб, лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, қурилиш ишлари бошланиш арафасида турибди. Бошқармамиз ва ҳудудий бўлимларимизнинг моддий-техник базасини ривожлантириш мақсадида 2020-2023 йиллар давомида 7,2 млрд. сўмдан ортиқ маблағ ҳисобига замонавий аппаратура ва лаборатория жиҳозлари олинди. Бунинг натижасида муассасамизда янги лаборатор-инструментал текшириш усуллари амалиётга жорий қилинди. Жумладан, паразитология лабораториямизда ИФА методида эхинококкоз касаллигини эрта аниқлаш мақсадида ташхис қўйиш, ичак гельментозлари ва содда ичак жониворларини текшириш – седиментация усули йўлга қўйилди. Бундан ташқари, аҳолига кўрсатилаётган хизмат сифатини яҳшилаш ҳамда бошқарилувчи юқумли касалликларга қарши вакцинация жараёнида совуқлик занжирига амал қилиш борасида қулайлик яратиш мақсадида ҳудудий бўлимларимиз турли русумдаги автотранспорт воситалари билан таъминланди. Бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимларида шаклланган соғлом муҳит, ҳамжихатлик "Ташаббусли бюджет" лойиҳасидаги ҳам ўз натижасини берди. Қўлга киритилган 15 млрд. сўмдан ортиқ маблағлар ҳисобига бошқарма ва унинг Косонсой, Наманган, Чуст, Поп, Тўрақўрғон туманлари бўлимлари бино-иншоотларига қуёш панеллари ўрнатилди. Лойиҳалар асосида реконструкция, таъмирлаш ишлари олиб борилди.



Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, лабораторияларни халқаро стандартлар асосида ривожлантириш мақсадида бошқармамиз ва Учқўрғон тумани бўлими лабораториялари халқаро аккредитациядан ўтказилди. Шунингдек, яқин кунлар ичида яна Уйчи ва Поп туманлари бўлимлари лабораториялари халқаро аккредитациядан ўтказилиши кутилмоқда. Ушбу саъй-ҳаракатлар албатта, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ортиб боришида намоён бўлмоқда. Мавжуд қирқдан ортиқ лабораториялар томонидан 2017 йилда 1 млрд. сўмлик пуллик тиббий хизмат кўрсатилган бўлса, 2020 йилда 7, 2021 йилда 11, 2022 йилда 13 млрд. сўмлик хизмат кўрсатилиши таъминланди. Жорий йил якунида эса ушбу кўрсаткичнинг 15 млрд. сўмдан ошиши кутилаяпти.

"Яшил макон" умуммиллий ҳаракати бўйича бошқармамиз жамоаси "Ишхона, кўча бўйлари, хонадон, томорқаларни гулзор, боғларга айлантирамиз!" шиори остида ташаббус билан чиқди. Бошқармамиз ва унинг ҳудудий бўлимлари, ишчи-ходимларимизнинг ҳовли ва томорқаларига турли хил кўчатлар, гуллар экилди.

Аҳолига тиббиётни яқинлаштириш, юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларга қарши курашиш чора-тадбирлари юзасидан ҳокимлик, соғлиқни сақлаш, маҳалла еттилиги билан ҳамкорликда режа-тадбир асосида иш ташкил этилмоқда. Вилоятимиздаги 788 та маҳаллада қатор ҳамкор ташкилотлар билан режали тадбирлар йўлга қўйилмоқда. Бу борада "Наманган тажрибаси" сифатида ноанъанавий тарғибот ишларини йўлга қўймоқдамиз. Натижада, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи, юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш ва бошқа йўналишларда сезиларли ўзгаришларга эришяпмиз. Йил бошидан буён ечимини топмаган 450 мингдан зиёд муаммо ва камчиликларнинг 87 фоизини бартараф этдик, қолганларини назоратга олган ҳолда фаолият юритаяпмиз. Шунингдек, 3625 та таълим муассасалари, шу жумладан, 3 мингга яқин боғчалар, 691 та умумтаълим мактабларида сифатли ва соғлом овқатланишни ташкил қилиш, 800 дан ортиқ даволаш-профилактика муассасаларида шифохона ичи инфекцияларининг олдини олиш, аҳолини тиббиётдан рози қилиш юзасидан самарали ҳамкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Аҳоли саломатлиги йўлида амалга ошираётган кенг кўламдаги ишларимиз билан вилоятимизда ўтказилган Республика миқёсидаги семинар қатнашчилари яқиндан танишиб, анжуман ишини ижобий баҳоладилар. "Меҳнат қилган элда азиз" нақли бежиз айтилмаган. Ўз касбига меҳр қўйиб, сидқидилдан фаолият олиб бораётган кўплаб наманганлик соҳа ходимлари фаолияти муносиб тақдирланаяпти. Сўнгги йилларда бошқармамиз ва унинг ҳудудий бўлимларида ишлаётган кўплаб ҳамкасбларимиз мамлакатимизнинг юксак унвон, мукофоту кўкрак нишонларига муносиб кўрилди.

Бу йил ҳам мамлаккатимиз тиббиёт соҳаси ходимлари ўз касб байрамларини муносиб меҳнат туҳфалари билан қарши олди. Жумладан, бошқармамиз ва унинг шаҳар ва туман бўлимлари жамоалари ҳам касб байрамларини фидойилик намуналарини кўсатган ҳолда нишонладилар. Шарафли ва ўта маъсулиятли касб эгалари бўлган азиз ҳамкасбларимизни шу фурсатдан фойдаланиб, байрам билан самимий муборакбод этаман. Доимо халқимиз бахтига соғ-омон бўлинглар!

15 НОЯБР – 15 ДЕКАБР – ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

Жорий йилнинг 15 ноябр – 15 декабр кунлари республикамиз ҳудудида "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги"ни ўтказиш белгиланган.



Ушбу тадбирни самарали ўтказиш бўйича намунавий чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, унинг ижросини йўлга қўйиш мақсадида Чилонзор тумани ФВБ ходимлари томонидан ҳам турли тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Тарғибот ишлари доирасида аҳолини хавфдан сақланиш йўллари ҳақида хабардор қилиш зарур чоралардан биридир. Шу мақсадда туман ФВБ ходимлари томонидан аҳоли ўртасида суҳбатлар, турли нашрлар орқали чиқишлар, мунтазам амалга оширилмоқда. Радио орқали ходимларнинг тўғридан тўғри чиқишлари бевосита аҳоли билан мулоқотга айланиб кетмоқда. Яқинда бўлиб ўтган шундай мулоқотда ходимларимиз аҳолига бундай хавфнинг олдини олиш ва уюз берганда қандай чоралар қўллаш борасида тушунтириш беришди. Шунингдек, аҳолидан бўлган турли саволларга жавоблар берилди.

Ж. УМАРОВ,
Чилонзор тумани ФВБ П ва НБ инспектори, катта лейтенант.

Эълонлар

Красильникова Ольга Михайловна номига 1993 йил 11 августда 08-01/26547 рақами билан берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Верхотурова Татяна Петровна номига 1992 йил 25 декабрда 04-02/1453 рақами билан берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади

“Табиат учун ғамхўрмиз” шиори остида расмлар танлови ҳам ташкил этилди

Табиат – сиз, биз, ҳаммамиз

Кўчат экиб, боғ яратиш ўзбек халқига хос фазилат. Шу сабаб ҳар бир ўзбек умри мобайнида ҳеч бўлмаса бир дона дарахт экишни инсоний бурчи деб ҳисоблайди. Қолаверса, дарахтлар нафақат табиатга кўрк бағишлайди, балки инсон саломатлигига ҳам хизмат қилади. Шу мақсадда пойтахтимизда жойлашган Янги Ўзбекистон боғида “Яшил шаҳар” экологик акцияси ўтказилди.



Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги Тошкент шаҳар бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирларда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Дурдона Раҳимова, шунингдек, спортчилар, саънаткорлар, журналист-блогерлар, давлат мукофоти совриндорлари ва волонтёр ёшлар иштирокида 300 туп чинор экилди. Дарахтлар ичида узоқ муддат яшаши ва экологик офатларга чидамлилиги билан ажралиб турувчи чинорларнинг ҳар бири 20 кг.гача карбонат ангидрид ютиб, табиат учун филтр вазифасини бажаради. Шу сабаб масъуллар ва ёшлар бизни тоза ҳаво билан таъминловчи дарахт кўчатларини ҳамнафаслик билан экдилар. Шунингдек, акция доирасида умумтаълим мактаб ўқувчилари ўртасида “Табиат учун ғамхўрмиз” шиори остида расмлар танлови ҳам ташкил этилди. Унда ёш рассомлар барчанинг кўз ўнгида табиатни асраш борасидаги тасаввурларини мўйқалам ёрдамида тасвирлади. Шу билан бирга, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманида жойлашган Элбек боғида “Яшил шаҳар” акцияси доирасида “Urikguli” тахаллуси билан ижод қилувчи экоблогер Мўътабар Хушвақтова билан ҳамкорликда “Хазон – чиқинди эмас, ўғит” шиори остида дарахтлар тагида чуқур қазилиб, хазонлар кўмилди. Унда экофаоллар ва блогерлар боғ ҳудудини хазонлардан тозалаб, уни ерга кўмиш ишларини олиб борди.

Хазонлар ёқиб юборилса, ҳаво заҳарланади. Бу инсон саломатлигига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Уни ерга кўмиш эса дарахтларни табиий ўғит билан таъминлашга хизмат қилади. Мутахассисларнинг фикрига кўра, ер табиий ўғит билан яхши озиқланганда дарахтлар узоқ яшайди. Бу эса бизни тоза ҳаво билан таъминлайди. Тадбирдан кўзланган мақсад шаҳар аҳолиси, айниқса, ёшларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, она-табиатга меҳр-муҳаббат ва экологик тежамкорликка ўргатиш, жамоат жойларида чиқиндиларни белгиланган махсус қутиларга ташлаш каби кўникмаларни шакллантиришдан иборат. Табиатга бўлган муносабат ҳар қандай фуқаронинг саломатлиги учун қай даражада аҳамиятли эканлиги тарғиботлар давомида тушунтирилди.

Аслида табиатни асраш ўзимиздан бошланади. Ўзимиз атроф-муҳитга қай даражада эътиборли бўлсак, бошқалар ҳам бундан ўрнак олади. Зеро, сизу биз табиатнинг бир бўлагимиз.

Юлдуз ЎРМОНОВА,
журналист.







Суратда: *Зулайҳо ҳожи она ўғли ва келини билан.*

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

Юз билан юзлашиб

Ховос туманидаги Чаманзор маҳалласида яшовчи 1-даражали Меҳнат фахрийси, “Мўътабар аёл” кўкрак нишони соҳиби Зулайҳо ҳожи она Исмоиловани маҳалла аҳли ўз оналаридай иззат-ҳурмат қилишади. Бугун ҳожи она юз ёшни қаршилаб, 10 нафар фарзанд, 30 нафар невара, 61 нафар чевараниng бахтли бувисидир.

– Бизни не не машаққатлар билан вояга етказган, меҳри дарё онамиз билан фахрланамиз, – дейди таниқли шоир, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Муҳаммад Исмоил.

Султонбой ДЕҲҚОНОВ
олган сурат.

Эълон

Проект «Диверсификация и модернизация сельского хозяйства» с участием Международного Фонда Сельскохозяйственного развития (МФСР)
ЗАПРОС ВЫРАЖЕНИЯ ЗАИНТЕРЕСОВАННОСТИ

Консультационные услуги по проведению оценки воздействия на окружающую среду в процессе модернизации оросительных сетей
Заем № 2000003255. № ADMP/CQS/37

1. Правительство Республики Узбекистан получило заем от Международного Фонда сельскохозяйственного развития (МФСР) в рамках проекта «Диверсификация и модернизация сельского хозяйства», и намерено использовать часть средств для проведения оценки воздействия на окружающую среду в процессе модернизации оросительных сетей в рамках Проекта «Диверсификация и модернизация сельского хозяйства». При проведении отбора правила и процедуры МФСР будут определяющими.

2. Международный центр стратегического развития и исследований в сфере продовольствия и сельского хозяйства при Министерстве сельского хозяйства Республики Узбекистан настоящим приглашает национальные консультационные компании предоставить свои выражении заинтересованности на проведение оценки воздействия на окружающую среду в процессе модернизации сельского хозяйства в рамках проекта «Диверсификация и модернизация сельского хозяйства».

3. Отбор будет проводиться в соответствии с Методом «Отбор на основании квалификации консультантов» (CQS), указанным в Руководстве по закупкам МФСР (от 19 августа 2010 года).

4. Заинтересованные участники могут получить дальнейшую информацию, а также техническое задание у Международного центра стратегического развития и исследований в сфере продовольствия и сельского хозяйства при Министерстве сельского хозяйства Республики Узбекистан по нижеуказанному адресу.

Отбор будет проводится по следующим критериям:

(1) Общий опыт фирмы в разработке оценки воздействия на окружающую и социальную среду (ESIA), включая планирование исследований и отбор проб, в строительных проектах течение последних 5 лет на территории Республики Узбекистан;

(2) Опыт фирмы в участии разработки оценки воздействия строительных работ на окружающую и социальную среду в инвестиционных проектах финансируемого МФО, связанного с реконструкцией или строительством инфраструктурных сооружений за последнее 5 лет;

(3) Конкретный опыт в разработке оценки воздействия на окружающую и социальную среду (ESIA) в строительстве ирригационных и гидротехнических сооружений в течение последних 5 лет;

(4) Подтвержденный опыт работы в подготовке документов по оценке воздействия строительных работ на окружающую и социальную среду в различных странах за последний период 5 лет;

5. Заинтересованные консультационные компании могут получить Техническое задание и дополнительную информацию по адресу, указанному ниже с понедельника по пятницу с 9.00 по 17.30 по Ташкентскому времени. Выражения заинтересованности на русском языке и/или английском языке, должны быть доставлены по нижеуказанному адресу 27 ноября 2024 года до 17.00 по Ташкентскому времени. Опоздавшие выражении заинтересованности не принимаются.

6. Адрес: 100000, Республика Узбекистан, г. Ташкент, ул. Лабзак, 1-А.

Международный центр стратегического развития и исследований в сфере продовольствия и сельского хозяйства при Министерстве сельского хозяйства Республики Узбекистан Тел/факс: (+998 71) 241-33-30.

E-mail: admp@iscad.uz

Примов Шавкат Алимбаевич номига 2021 йил 30 декабрда 00-21/15118 рақами билан берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Файзиев Аскар Буриевич номига 2021 йил 30 декабрда 00-21/15121 рақами билан берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Реклама



Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекси таркибидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: **Чори ЛАТИПОВ**

Таҳрир ҳайъати:
Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Актам ХАИТОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ *(бош муҳаррир ўринбосари)*, Раимқул СУЯРОВ *(бош муҳаррир ўринбосари)*.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. НАШР ИНДЕКСИ – 144. Буюртма Г-1117. 1020 нусхада чоп этилди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Таҳририят манзили: Тошкент вилояти Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй. **Телефонлар:** 95-080-43-70, 99-050-69-45.
Реклама ва эълонлар – (998 90) 317-19-16. **e-mail:**infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нархда.
Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Босмахона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-7021

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 18.00